

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ



202

йил



202

йил

Руҳнамга олинди:

№ 555410700-3.02

202 йил

ЕР РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳалари: 400000 – Қишлоқ ва сув хўжалиги

Таълим соҳалари: 410000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги

Таълим 410700- Ер кадастри ва ердан фойдаланиш

йўналишлари:

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўкув-усдубий биряшмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2020 йил “18 06” даги 2-сонли баённомаси билан маъкулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил “30 08” даги 359-сонли буйруғи билан маъкулланган фан дастурларини таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган.

Фан дастури Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш мухандислари институтида ишлаб чикилди.

Тузувчилар:

Нарбаев Ш.К. – ТИҚҲММИ «Давлат кадастрлари» кафедраси доценти, PhD.
Исмонов Ш.Р. – ТИҚҲММИ «Давлат кадастрлари» кафедраси асистент.

Такризчилар:

Тошпўлатов С. – ТАҚИ, “Геодезия ва кадастр” кафедраси мудири, т.ф.н. профессор.
Бабажанов А. – ТИҚҲММИ, “Ердан фойдаланиш” кафедраси мудири, иқтисод фанлари номзоди, доцент.

Фан дастури Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш мухандислари институти Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия килинган (2020 йил “30 04” даги “10”-сонли баённома).



I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Ушбу фан республикамида ер муносабатларини тартибга солиш, ер ресурларидан самарали фойдаланиш, уларни тоифалар ва иктисодиёт тармоклари бўйича окилона таксимлаш, республикамизнинг иктисодиётидаги ердан фойдаланиш билан боғлиқ устувор вазифаларни амалга ошириш каби масалаларни қамраб олади. Ер ресурсларини бошқариш юзасидан белгиланган вазифаларни жамиятга изчиллик билан тадбиқ этиш, ер ресурсларини бошқаришнинг вазифалари, асосий йўналишлари ва тизимини мукаммал ўрганиш талабаларда зарур билим ва амалий кўникмаларни яратади.

“Ер ресурсларини бошқариш” умумкасбий фанлар блокига киритилган курс хисобланиб, 3-курсда ўқитилиши мақсадга мувофик. “Ер ресурсларини бошқариш” умумкасбий фанлар туркумига киради ва 5410700-“Ер тузиш ва ер кадастри” бакалавриат таълим йўналишида ўқитилади. Мазкур фан математик ва табиий-илмий фанлар (тупроқшунослик ва дехкончилик, экология, ландшафтшунослик асослари), умумкасбий фанлар (геодезия, ер мониторинги, ер тузиш)дан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишиликни талаб этади.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фанни ўқитишдан мақсад - талабаларга ер ресурсларини бошқаришнинг назарий, услубий ва амалий жиҳатларини, ер ресурсларини бошқариш тушунчалари ва вазифаларини, бошқариш тизими ва тамойилларини ўргатиш ҳамда уларни амалиётда татбиқ этиш кўнишмасини ҳосил килишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун фан талабаларни назарий билимлар, амалий кўникмалар, ижтимоий-иктисодий ходиса ва ер ресурсларини бошқариш жараёнларига услубий ва амалий ёндашув ҳамда илмий дунёкарашини шакллантириш вазифаларини бажаради.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйидаги талаблар кўйилади. *Талаба:*

- ер ресурсларини бошқариш мақсади ва моҳияти ҳақида, республикамида ер ресурсларини бошқариш тизими ва тамойиллари ҳақида, ер ислоҳоти, ер муносабатларини тартибга солиш, ер ресурсларини бошқаришнинг ташкилий тузилемаси *тасаввурга эга бўлиши;*

- ер ресурсларини бошқаришнинг назарий ва ҳуқукий асосларини, бошқариш механизmlарини, ер ресурсларини бошқаришнинг илғор услубларини ва технологияларини, ер ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш йўлларини, ер тўғрисидаги 4,5,2,7 қонун ҳужжатларини ва ерларнинг ҳуқукий ҳолатини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

- ер ресурсларини бошқаришда қонун ва месъерий ҳужжатлари билан ишлаш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ер фонди тоифалари бўйича ерларнинг ҳуқукий ҳолатини аниqlаш *бўйича кўникмаларга эга бўлиши керак.*

III. Асосий назарий кисм (маъруза машғулотлари)

1-Модул. Ер ресурсларини бошқаришнинг назарий асослари

1-мавзу. Ер ресурсларини бошқариш тушунчаси, мақсади ва вазифалари

Ердан фойдаланиш. Ер ресурсларини бошқариш тушунчаси, унинг тавсифи. Ер ресурсларини бошқариш тизимининг шаклланиш қонуниятлари. Давлат бошқарувида ер ресурсларини бошқаришнинг ўрни. Ер ресурсларини бошқаришнинг мөҳияти, мақсади ва вазифалари.

2-мавзу. Ер ресурсларини бошқаришнинг тамойиллари ва хуқукий асослари

Ердан фойдаланиш. Ер ресурсларини бошқариш тизими. Ер ресурсларини бошқаришнинг тамойиллари. Ер ресурсларини бошқаришнинг хуқукий асослари. Ўзбекистонда ер ресурсларини бошқариш ва ер муносабатларини тартибга солишга оид қонун ва мөъёрий хужжатлар. Ер муносабатларини тартибга солишда ер ресурсларини бошқаришнинг аҳамияти.

2-Модул. Ер фондини гармоқлараро ва тармоқ ичидағи таксимоти **3-мавзу. Ер фондининг тармоқлараро таксимоти**

Жаҳон ер фонди таркиби. Республика ер фондидан фойдаланиш тавсифи. Ер фондининг ер тоифалари ва ер турлари бўйича таксимланиши. Ер фонди таксимотининг умумий тамойиллари. Ўзбекистонда мулкчилик тизимини шакллантириш ва миллий хўжалик тизимида ер тақсимоти масалалари.

4-мавзу. Ер фондининг тармоқ ичидағи таксимоти

Бозор иқтисодиёти шароитида ердан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари. Тармоқлар ичida ер тақсимоти ва ердан фойдаланиш. Кишлоп хўжалигига мўлжалланган ерларнинг таркиби ва улардан фойдаланиш. Яйлов ерларидан фойдаланишда экологик, иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилиш, шу жумладан яйловлар деградациясини бартараф қилиш ва унинг баркарорлигини таъминлаш максадида инновацион хўжалик юритиш шаклларини жорий қилиш. Нокишлоп хўжалик мақсадлари учун ер ажратиш ва ердан фойдаланишда ижтимоий, иқтисодий ва экологик муносабатлар.

3-Модул. Ер ресурсларини бошқариш босқичлари ва ривожланиш қонуниятлари.

5-мавзу. Ер ресурсларини бошқаришнинг ривожланиш босқичлари ва қонуниятлари

Ер ресурсларини бошқаришнинг ривожланиш босқичлари. Иқтисодий ислоҳатларни чукурлаштириш шароитида ер ресурсларини бошқариш. Ер муносабатларини тартибга солишда бошқариш қонуниятлари. Ер ресурсларини

бошқаришнинг ташкилий-хуқукий вазифалари. Ер ресурсларидан фойдаланишиш бошқариш услублари.

6-мавзу. Ер ресурсларини бошқариш механизмлари

Ер ресурсларини бошқариш механизмлари. Ер кадастри ва ер мониторинги ер ресурсларини бошқаришнинг асосий механизмлари сифатида. Ер ресурсларини бошқаришнинг ташкилий ва хуқукий механизмлари. Ер ресурсларини бошқаришнинг иктисодий механизмлари. Ер ресурсларини бошқаришда ер кадастри маълумотларидан фойдаланиш.

4-Модул. Ер ресурсларини бошқариш тизими ва услублари

7-мавзу. Қоракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва туманларда ер ресурсларини бошқариш масалалари

Бошқаришнинг умумуслубий масалалари ва ер ресурсларини бошқаришда кўлланилиш соҳалари. Қоракалпогистон Республикаси ва вилоятларда ер ресурсларини бошқариш услублари. Маъмурий туманларда ер ресурсларини бошқариш масалалари. Қишлоқ хўжалик тармокларидағи ердан фойдаланувчи субъектларда ер ресурсларини самарали бошқариш масалалари.

8-мавзу. Шаҳар худуди ер ресурсларини бошқариш

Шаҳар ер фонди таркиби. Шаҳарда ер ресурсларини бошқаришнинг асосий тамойиллари ва йўналишлари. Шаҳар худудида ер участкаларининг хуқукий мақомини ўрнатиши масалалари. Ер ресурсларини бошқариш бўйича маълумотлар базасини яратиш.

9-мавзу. Ер ресурсларини бошқаришда назорат ва қонунлар ижроси

Ер ресурсларини бошқариш бўйича давлат органлари тизими. Ер ресурсларини бошқаришда назорат босқичлари ва вазифалари. Ер ресурсларини бошқаришга оид қонунлар, норматив-хуқукий хужжатлар тизими ва уларни амалга ошириш ҳамда ижросини таҳлил килиш. Ердан фойдаланиш жараёнидаги баҳсларни хал килиш.

10-мавзу. Ер ресурсларини бошқаришда ахборот таъминоти

Ер ресурсларини бошқаришда ахборот таъминоти тушунчаси ва мазмуни. Ер ресурсларини бошқариш тизимида ер кадастри маълумотларидан фойдаланиш. Ер ресурсларини бошқариш максадида ер кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизимини ташкил килиш ва юритиш. Ер ресурсларини бошқариш бўйича ахборотлар базасини шакллантириш.

11-мавзу. Ривожланган давлатларда ер ресурсларини бошқаришнинг илғор услублари

Ривожланган давлатларда ер ресурсларини бошқаришнинг умумий тизими. Ер ресурсларини давлатларабо бошқарув органлари. Марказий Осиё давлатларида ер ресурсларини бошқариш услублари. Республикада ер ресурсларини бошқаришнинг илгор технологиялари ва услублари.

IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар учун кўйидаги мавзулар тавсия этилади:

- Ер ресурсларини бошқариш назарий ва хукукий асослари.
- Республика ер фондининг тармокларо ва тармоқ ичидаги тақсимоти.
- Ер ресурсларини бошқариш услублари.
- Ер ресурсларини бошқаришнинг ривожланиш босқичлари.
- Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шахар, туманлар (шахарлар) давлат ҳокимияти органларининг ер ресурсларини бошқаришдаги ваколатлари.
- Ер ресурсларини бошқаришда давлат ер назорати.
- Ер ресурсларига оид маълумотларни йигиши, маълумотлар базасини яратиш ва ундан фойдаланиш тартиби.
- Ер ресурсларини бошқаришда ривожланган давлатлар тажрибаси.

Амалий машғулотларини ташкил этиш юзасидан кафедра томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий мәтруза мавзулари бўйича олган билим ва қўнималарини амалий масалалар, кейслар орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўкув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, таркатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, масалалар ечиш, мавзулар бўйича тақдимотлар ва кўргазмали қуроллар тайёрлаш, норматив-хукукий хужжатлардан фойдаланиш ва бошқалар тавсия этилади.

Амалий машғулотлар мультимедиа курилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академ гурухга бир ўқитувчи томонидан ўтказилиши лозим. Машғулотлар фаол ва интерактив усуслар ёрдамида ўтилиши, мос равища педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофик.

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Давлат бошқарувида ер ресурсларини бошқаришнинг ўрни.
2. Ер ресурсларини бошқаришнинг хукукий асослари.
3. Ер муносабатларини тартибга солишида ер ресурсларини бошқаришнинг ўрни.
4. Ер фондини тармоклараро ва тармоқ ичидаги тақсимоти.

5. Ер ресурслари чекланган шароитда ер тақсимотининг ўзига хос хусусиятлари.
6. Ер ресурсларини бошқариш босқичлари ва ривожланиш қонуниятлари.
7. Ер ресурсларини бошқаришда ташкилий-хукукий механизмни шакллантириш.
8. Ер ресурсларидан фойдаланишни бошқаришнинг замонавий услублари.
9. Ер ресурсларини бошқаришда ер кадастри маълумотларидан фойдаланиш.
10. Минтака, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлар (шаҳарлар)да ер ресурсларини бошқариш масалалари.
11. Бозор иктисодиёти шароитида ер ресурсларини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари.
12. Ер ресурсларини бошқаришнинг тамойиллари ва асосий йўналишлари.
13. Ер ресурсларини бошқариш бўйича маълумотлар базасини яратиш.
14. Ер ресурсларини бошқаришда назорат ва конунлар ижроси.
15. Давлат органлари томонидан ер ресурсларини бошқариш.
16. Ер ресурсларини бошқаришга оид конунлар, норматив-хукукий хужжатлар тизими ва уларнинг ижросини таъминлаш.
17. Ер ресурсларини бошқариш тизимида ер кадастри маълумотларидан фойдаланиш тартиби.
18. Ривожланган давлатларда ер ресурсларини бошқаришнинг илғор услублари.

Мустакил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот килиш, илмий мақола, тезислар тайёрлаш, ер мониторинги бўйича амалиётдаги мавжуд муаммоларни ўрганиш ва тахлил килиш, фаннинг долзарб муаммоларини камраб оловчи мавзуларни ўзлаштириш, ўрганилаётган мавзу бўйича асосий илмий адабиётларга аннотация ёзиш каби кўринишдаги ишларни бажариш тавсия этилади.

VI. Асосий ва қўшимча ўкув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари

Асосий адабиётлар

1. Selim Kapor, Hari Eswaran, Winfried Blum. Sustainable Land Management. Springer-Verlag Berlin and Heidelberg GmbH & Co. KG. Germany 2016.
2. Раҳмонов Қ.Р. Ер ресурсларини бошқариш. Ўкув қўлланма. Т.: ТИМИ, 2008. – 161 б.
3. Варламов А.А., Гальченко С.А. Управление земельными ресурсами. Учебное пособие. М.: ГУЗ, 2005. – 240 с.

Қўшимча адабиётлар

4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаронов демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Танкидий таҳлил, қатъий тартиб – интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик коидаси бўлиши керак. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2017. – 104 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фарvonлигини гарови. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2017.- 486.
7. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2017. “Газета.uz”.
8. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”, Т.: “Адолат”, 2011 й.
9. Нигматов А. Ер хуқуки. – Т.: “Ислом Университети”, 2001. – 191с.
10. Нигматов А. Земельное право. – Т.: “Ислом Университети”, 2001.– 1896.
11. Бабажонов А.Р., Раҳмонов Қ.Р, Фофиров А.Ж. Ер кадастри. Т.: ТИМИ, 2008 – 220 б.
12. Чертовицкий А.С. Земельный кадастр. Учебное пособие. Т.: ТИМИ, 2012 -296 с.
13. Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг холати тўғрисида Миллий хисобот. Т.: “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси, 2017. – 87 б.

Интернет сайтлари

14. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси хуқумат портали.
- 15.www.lex.uz-Ўзбекистон Республикаси қонун хужожатлари маълумотлари миллий базаси.
16. www.ziyonet.uz - Ўзбекистон Республикаси таълим портали.